

ЁТОҚХОНА УЧУН
СИФАТЛИ
МЕБЕЛЛАР



2-беп

БИЗГА МАКТУБ
ЙЎЛЛАБСИЗ



4-5-беплар

МЕХРИНГИЗНИ
ДАРИФ ТУТМАНГ,
ОДАМЛАР!

6-беп

СПОРТ — СОҒЛОМ
АВЛОД ХИЗМАТИДА

8-беп

ЧОРШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 246 (10.049)

2003 ЙИЛ 24 ДЕКАБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан яқинлашиб келаётган янги 2004 — «Меҳр ва мурувват» йили муносабати билан 2003 йил 25-28 декабрь кунлари Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ногирон болалар учун ҳамда 2004 йил 3-4 январь кунлари шахримиз маҳаллаларида «Кўчма арча» янги йил байрам тадбири ўтказилиши режалаштирилмоқда.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан **ЭРТАГА** Хамза туманидаги 103-ақли заиф болалар махсус мактаб-интернатида «Биз ҳаммисиз билан биргаликда» номли спорт мусобақалари ўтказилди.

● **БУНЁДКОР** ёшлар телеклубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ходимлари ҳамда журналистлар иштирокида ўтказилган тадбирда яқинлашиб келаётган Янги йил муносабати билан жойларда уюштирилаётган байрам тадбирларини сермазмун ўтказиш чоралари ҳақида сўз борди.

● **ОНИКС** акциядорлик жамияти қошидаги «Меридиан-А» фирмаси Янги йил арчаларига ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

● **ШАХРИМИЗ** ўқув масканларида уюштирилган «Масофали ўқитиш усуллари ва технологиялари» мавзусидаги ўқув машғулотлари Республика «Истеъдод» жамғармаси қошидаги масофали ўқитиш маркази ташаббуси билан ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Йўловчиларнинг эзоғини яқин, оғирини енгил қилишда ўзларининг бе-миннат хизматларини кўрсатиб келаётган 3-автосарой ишчи-ходимларининг меҳнатлари диққатга сазовордир.

СУРАТДА: автосаройнинг қилангар устаси Абдусаттор Далабоев иш устида. Ҳақимжон Солихов олган сурат.



НАТИЖАЛАР КУТИЛГАНДАН ЗИЁДА БЎЛДИ

Туркия Бош вазири Режеп Эрдоғаннинг Ўзбекистонга ташрифи мамлакат сиёсий доиралари ва матбуот томонидан кенг муҳокама этилди. Диққатга сазовор жойи шундаки, Туркиянинг барча сиёсий партиялари ўзларининг Р.Эрдоған ҳукумати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга бўлган муносабатидан қатъи назар икки мамлакат ўртасида ҳамкорликнинг ривожланишига самимий хайрихоҳ эканини билдирдилар.

Анкарага қайтгач, Бош вазир маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларига берган баёғотида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов билан бўлган мулоқот натижаларини юқори баҳолади. Туркия ҳукумати раҳбари Ўзбекистонда кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирар экан, музокаралар жудам сермахсул кечганини ҳамда натижалар кутилгандан ҳам зиёда бўлганини қайд этди.

Р.Эрдоған Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг чуқур тарихий ва маданий ришталарга асослангани ҳамда уларни келажак авлод манфаатлари йўлида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш бориш ҳар бир турк сиёсатчисининг бурчи эканини таъкидлади. У Туркиянинг Марказий Осиё мамлакатларига қаратилган сиёсатида Ўзбекистон муҳим ўрин эгаллашини яна бир бор эътироф этди:

Турк ОАВлари икки давлат раҳбарлари ўртасида режалаш-

тирилганидан икки баробар кўп вақт давом этган музокараларнинг амалий ҳамда самарали ўтганига алоҳида эътибор қаратди. Етакчи турк нашрларидан бири бўлмиш «Хуррият» газетаси Р.Эрдоғаннинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очганига урғу берди.

Турк матбуоти икки мамлакатнинг халқро терроризмга қарши кураш борасида бир хил қарашларга эга эканини қайд этди. Ўзбекистон раҳбариятининг ушбу масаладаги изчил ҳамда қатъий сиёсати хурматга сазовордир, дея таъкидлади.

«Анадолу» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқро терроризмга қарши кураш борасида битимнинг имни қозониши ушбу соҳада йўлга қўйилган ҳамкорликнинг яққол намунаси экани ҳамда Ўзбекистон ушбу иллатни бартараф этишда Туркия тажрибасини қўллашдан манфаатдор экани хусусидаги

сўзларини келтирган. Ислоҳ Каримовнинг «Терроризм мафкура-си, уни режалаштирувчи ва молиялаштирувчи марказларга қарши курашиш лозимлиги» тўғрисидаги фикр мулоҳазалари тўлиқ қўллаб қувватланган.

Туркияда чоп этиладиган нуфузли «Миллият» газетаси «Ўзбекистоннинг халқро терроризмга қарши курашдаги аҳамияти беқиёсдир», деб таъкидлади.

Олий даражадаги Ўзбекистон-Туркия битимлари мамлакатнинг ишбилармон доираларида ижобий акс садога сазовор бўлди. Хусусан, «Тюркиш дейли ньюс» газетасида Р.Эрдоғаннинг қуйидаги баёноти келтирилди: «турк ишбилармонлари учун Ўзбекистон Марказий Осиёдаги товар ишлаб чиқариш ва савдо маркази, Туркия эса ўзбек товарларининг жаҳон бозорига чиқиш жойига айланиши мумкин».

Туркия Бош вазири савдо-иқтисодий ҳамкорлик, шу жумладан учинчи мамлакатларда қўша лойиҳаларнинг амалга оширилишини икки томонлама муносабатларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида тилга олди.

Самарқандга бўлган зиёрат тўғрисидаги саволларга жавоб берар экан, Р.Эрдоған шу пайтгача фақат китоблардагина мутлоах қилган цивилизациянинг гувоҳи бўлиш имкониятига эга бўлганини таъкидлади. Шу жумладан у ўзбек халқи ушбу маданий меросни келажак авлод учун ҳам сақлаб қолишига ишонч билдирди.

«Жаҳон» АА.

XVI сағоси

Барча мавбалардан олқинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув марказида АҚШнинг мамлакатимиздаги савдо палатаси ҳамда ушбу давлат Тижорат департаменти қўмағида «Бизнес-этика — самарали бошқарув» мавзусида халқро семинар ташкил этилди.**

● **Тошкент Давлат аграр университетиде Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзқишлоқхўжалиқим» компанияси ҳамкорлигида ўсимликлар ҳўмо-ясига бағишланган ўқув-семинари бошланди.**

● **Тошкентдаги Замонавий санъат марказида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан «KALA Ўзбекистонда» номли кўргазма очилди.**

● **Жорий йилда «ЎзДЭАавто» Ўзбекистон-Корея қўша корхонаси «Ласетти» ва «Матиз» каби янги русумдаги автоуловларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда жами 40 минг 200 дан зиёд автомобиль ишлаб чиқарди.**

● **Қорақалпоғистонда ўрта махсус ўқув юртлари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида «Йилнинг энг яхши кутубхонаси» танлови ўтказилди.**

Жаҳонда

● **Ироқ Муваққат ҳўкумати раҳбари Абдул Азиз ал-Ҳаким Россия нефть компанияларини ҳамкорликка чорлаш мақсадида Москвада Россия Президенти Владимир Путин билан музокаралар ўтказди.**

● **Атом энергияси бўйича халқро агентлик (МАГАТЭ) Бош директори Муҳаммад ал-Барадей Эрронинг МАГАТЭ Бош ядро дастури бўйича ҳамкорликни бошлаганлигини маълум қилди.**

● **Европа Иттифоқи мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари ташкилот йиғилишида Руминия ва Болгарияни ЕИ таркибига 2007 йил январиде қабул қилишга розилик билдирдилар.**

● **Кеча АҚШнинг Калифорния штатида рўй берган Рихтер шкаласи бўйича 6,5 баллик зилзила натижасида кўпгина бинолар вайрон бўлди, 2 киши ҳаётдан кўз юмди.**

● **Россия пойтахти Москва шаҳрида ўтказилган 8-аънавий «Интеллект» йиллик олимпиадасида юртимиз вакили Дилноза Маматкулова «Ғалабага бўлган иродаси учун» соврини билан тақдирланди.**

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда жорий йил якунлари муҳокама этилиб, 2004 йил — Меҳр-мурувват йилида амалга оширилаётган ишлар белгилаб олинди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси расиси Д.Фулмова бошқарди.

Унда «Обод маҳалла йили» дастурида белгиланган вазифалар бўйича кенг қўламадаги ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш, ёшларни турмушга тайёрлаш масалаларига алоҳида эъти-

бор қаратилди. Болалар спорти ҳамда оилавий спортни ривожлантириш, қизларни турли спорт ва соғломлаштириш тадбирларига жалб этиш яхши самара бермоқда. Жумладан, синхрон сузиш, бадий гимнастика бўйича ўтказилган халқро мусобақаларда юртимиз қизларининг яхши натижаларга эришаётгани бунинг яққол далилидир.

Мамлакатимизнинг барча худудла-

рида аёллар ва ёшларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий, фуқаролик онгини оширишда Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Ижтимоий қўмакка муҳтож, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътибор янада кучайтирилаётди. Бунда турли давра суҳбатлари, очик мулоқотлар, ўқув семинарларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

ЎЗА

Сакъат

КИЗИҚАРЛИ КОМЕДИЯ

Ўзбекистон ёшлар театри репертуари яна бир янги спектакл билан бойиди. Машҳур инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг «Ёз тунда кўрилган туш» деб номланган комедия ушбу театр сахнасига олиб чиқилди.

Ижодий жамоа бу асарга ўзига хос ёндошиб, уни «Бу оддий туш» деб атади. Шунга кўра постановканинг режиссураси ҳам томошабин дидига мос ҳолда тақдим этилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мазкур комедияни сахналаштиришда Тошкентдаги «Логос» театр-студияси билан ҳамкорлик қилинди. Бу ижодий алоқа спектаклнинг янада қизиқарли бўлишини таъминлади. Бу постановка театрнинг янги ижодий мавсумининг дастлабки спектакли сифатида кўрсатилди.

ДАНИЯГА — ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛГА

Машҳур ёзувчи Г.Андерсен таваллуд топан кунинг 200 йиллиги халқаро доирада нишонланмоқда. Бу сана муносабати билан республика кўғирчоқ театри «Яна Андерсон» деган янги постановкани сахналаштирди.

Ана шу постановка билан театр Москвада яқинда ўтказилган кўғирчоқ театрлари иккинчи халқаро фестивалида қатнашди.

Спектакл томошабинларга манзур бўлди. Шу сабабли уни Данияда ҳам намойиш этиш лозим деб топилди. Зеро, адиб таваллудининг 200 йиллиги яқинда Данияда кенг нишонланади. Мазкур шодиёнада Г.Андерсен асарлари постановкалари фестивали ўтказилади.

Акбар АЛИЕВ

СПЕКТАКЛДА ХИКОЯ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Машҳур ёзувчи ва драматург Антон Чеховнинг кўпгина асарлари сахна юзини кўрган. Унинг «Айқ», «Юбилей», «Оққуш кўшиғи» каби ҳикоялари постановкаси эса Тошкентдаги «Илҳом» театри тақдим этади.

Театр ҳузурда фаолият кўрсатаётган драма санъати мактаби ёш истеъдодлари томонидан тайёрланаётган «Доктор Чехов лабораториясида» деб номланган бу янги сахна асариди юқорида тилга олинган воқеалари ягона бадий композиция янглиғ акс этади.

Янги йилга ижодий совға бўладиган мазкур қувноқ постановка театрнинг бадий раҳбари Марк Вайль бошчилигида сахнага олиб чиқилаётир.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

Фарзандлар — эртамиз давомчилари, келажагимиз гулгунчалари. Улар билан олам чароғон, кечалар кундуз каби нурафшон. Шунинг учун ҳам ота-оналик бахтига мушарраф бўлган келин-куёвнинг қалбида кечаётган бахтиёрлик ҳиссини ҳеч қандай қувончу шодлик билан қийслаб бўлмайди.

Куни кеча ФХДЁ бўлимлари ходимлари ўртасида ўтказилган «Энг яхши ФХДЁ ходимаси» деб номланган кўрик-танлов ҳам оилада фарзанд туғилиши тантанасини кўрсата олишга бағишланди.

Тадбирда шаҳар Адлия бошқармаси, ФХДЁ бўлимлари ва никоҳ уйлари раҳбарлари ҳамда бўлимларнинг барча ходимлари иштирок этдилар.

— Ушбу махсус семинар-танловни, ўтказишдан мақсад, — деди тадбирда сўз олган Адлия бошқармаси ФХДЁ бўлими бошлиғи Гулнора Иномжонова, — шахримизда фаолият кўрсатаётган барча никоҳ уйлари ва ФХДЁ бўлимлари ходимларининг ўз касбларини улуғлаш, эгаллаб турган ва бажараётган вазифаларига масъулиятларини ошириш, тажриба ва малакаларини ўстиришга қаратилган. Шу билан бирга туғилиш, никоҳ ва оилавий маросимлар каби халқимизнинг қадимий ва замонавий удумлари ва урф-одатларини ходимларимиз томонидан чуқур ўрганиш ва амалда татбиқ қилиш, уларнинг маънавият, маданият ва санъатга бўлган қизиқишларини янада ошириш ҳамда рағбатлантиришдан иборатдир.

Фарзанд — оила гултожи, таянчи ва суюнчидир. Ота-она ҳаётидаги энг қувончли, унутилмас кунни тантанали қайд этишни тарғиб қилишга бағишланган ушбу тадбирда энг ибратли деб топилган етти нафар ходима қатор шартлар бўйича беллашдилар. Уларнинг ай-

ниқса «Орзиқиб кутилган фарзанд», «Ўғил фарзанд туғилиши», «Хасан-Хусан фарзандлар», «Киз фарзанд туғилиши», «10-

тибида эмас, махсус семинар тарикасида ўтказишдан бир мақсадни кўзлаганмиз, — дейди биз билан сўбатда «Никоҳ ва оила» маросимлари маркази директори Марҳамат Юлдашев.

— Масъул вазифада ишлаган ҳар бир ходимамиз бажараётган юмушининг нақадар шарафли эканини англаб, чуқур билимга, юқори маданиятга эга бўлсин. Халқимизнинг ҳар бир қутлуғ кунига ўз мавқеига яраша хизмат қила олсин. Ортиқча дабдаба эмас амалий ишнинг натижаси чиройли бўлсин. Бунинг учун ҳар бир ходима ўз устиди мунтазам иш олиб бориши, ўқиши, ўрганиши, изланиши даркор. Махсус семинарда ана шу билимлар синовдан ўтказилиши режаланди.

Нихоятда қизгин, таассурот ва ҳаяжонларга бой тарзда ўтган ушбу тадбирда «Энг яхши ФХДЁ ходимаси» деган юксак номга ўз касбини пухта эгаллаган етти нафар иштирокчининг барчаси лойиқ деб топилди ва шаҳар Адлия бошқармасининг Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлди.

Катта таассуротлар билан тадбирдан қайтаётган қатнашчилар кўнглидан эса «Бундай махсус семинарлар ҳар бир касб эгалари ўртасида ўтказилишга фойдадан холи бўлмайди» деган фикрлар ўтгани шубҳасиздир.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Машғуловлар

БИЛИМЛАРИНИ СИНАБ КҮРИШДИ



фарзанд туғилиши» каби тантаналарни маромига етказиб кўрсатиб беришлари қатнашчилар томонидан олқишлар билан қутиб олинди. Шу билан бирга кўрик қатнашчиларининг Асосий Қонунимиз — Конституциямиз ҳақидаги билимлари ҳам синовдан ўтказилди.

— Ушбу тадбирни кўрик-танлов тар-

Ислоҳотлар оқимида

Жаҳоннинг иқтисодий тарихидан маълумки, мустақил иқтисодий фаолиятни эндигина бошлаётган давлатлар рағбатига чет эл инвестицияларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, юртимиз мустақилликка эришгандан кейин халқ ҳўжалигидаги барча ишлаб чиқариш ва инфратузилма соҳаларининг муҳим тармоқларини ташкил этиш, уларни рағбатлантириш долзарб масалага айланди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон мулкчилик муносабатларини шакллантириши мақсад қилиб қўйди. Мулкларни давлат тасарруфидан чиқариб, уларни хусусийлаштиришга кенг йўл очилди. Хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватланди.

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатимиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун жуда катта имкониятларга эга. Табиий ресурсларнинг хилма-хиллиги, сифатли ва арзон меҳнат манбаларининг борлиги бу имкониятларни омилларга айлантиришни талаб этади ҳолос. Бунинг учун эса тадбиркорлик хусусиятига эга, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тажрибаси бор, мулкдорлар ва мутахассислар зарур. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида инвестиция ва инвесторларни рағбатлантирувчи ҳамда улар учун анча имтиёзлар яратилган иқтисодий муҳит яратишга киришилди. Чунончи, «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси 1996 йилда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокида корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Молиявий ресурсларни инвестицияларга кўчиришнинг муҳим механизми ҳисобланган банк тизими ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини рағбатлантириш учун қатор чора-тадбирлар белгиланди. Корхоналарда ишлаб чиқаришни сармо-ялаш учун маблағлар тўплангани рағбатлантирувчи шарт-шароитлар яратиш сиёсати амортизация чегирмаларини фаолаштириш нуктаи назардан қайта кўриб чиқилди. Давлат зарур

инвестицияларни жалб қилиш учун ички инвестицион манбалардан фойдаланишга ҳам аҳамият қаратди. Инвестицион фаолиятни жадаллаштиришда миллий заҳираларни сафарбар этишга киришилди. Ўзбекистон ҳукумати чет эл билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналарга бож тўловлари, солиқлар бўйича имтиёзлар берди. Инвесторлар ва инвестиция учун яратилаётган ушбу имкониятлар республикамизнинг бой табиий ва меҳнат ресурслари, сиёсий барқарорлик, инвестицион иқлим, албатта, чет эллик инвесторларни ҳамкорлик қилишга ундайди.

Республикамиз ўз иқтисодий йўналишлари ва мақсадларини аниқ белгилаб олган ва бу йўлда олғимай ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Шуниси аниқки, Ватан рағнаки йўлида ўз қобилият ва имкониятларимизни кўрсатиш вақти етди. Бутун дунёнинг ривожланган давлатлари, хорижий тадбиркорлар Ўзбекистон билан қизиқмаган экан бу бежиз эмас. Биз ҳаммамиз, ҳам жамият аъзоси сифатида, ҳам шахс сифатида давлатимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшимизми керак. Жамғармаларимизни капиталга, имкониятларимизни омилларга айлантириш ҳозирги давр талаби. Ўз ҳаётимизни — яхшилаш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ўз кўлимизда.

Абдурахим АБДУХАЛИЛОВ

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

Почта маркалари ўзига хос кўринишда ҳамда ёзувли бўлиши билан аҳамиятлидир.

«Ўзбекистон Маркаси» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан «Абдуҳолиқ Гиждувонийнинг 900 йиллиги» ва «Рангтасвир» мавзуларида почта маркалари нашр қилинди.

Маълумки, буюк аллома Абдуҳолиқ Гиждувоний Хожа Юсуф Ҳамадоний халифаларидан тўртинчиси бўлиб, хожагонлар тариқатининг асосчиси саналган. Абдуҳолиқ Гиждувоний Бухоро вилоятининг Гиждувон даҳасида туғилган бўлиб Марказий Осиёда илк тасаввуфий тариқат — Хожагоннинг асосчиси. Унинг таълимоти моҳияти «Манокиби Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Ибтидоий жомеъа-ал калом», «Васиятнома», «Рисолаи тариқат», «Рисолаи саҳобия» каби асарларида ёритилган.

Мазкур маърифатпарвар алломага бағишланган маркада унинг Бухорода жойлашган хонақохи, шунингдек, 900 йиллиги ёзуви берилган бўлиб, ўзбек ва инглиз тилларида ҳамда лотин алифбосида ёзилгандир.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозғистон почта маркаларини биргаликда чоп этиш учун «Рангтасвир» мавзу бўлиб хизмат қилганини таъкидлаш жоиз.

Қозғистон Республикаси почта маркасида С.Айитбоевнинг «Бахт» номли асари тасвирланган. Мазкур «Рангтасвир» мавзуси остида Ўзбекистон Республикасининг почта маркасида Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси академизи Раҳим Аҳмедов томонидан яратилган «Тонг-Оналик» асари тасвирланган. Ушбу «Тонг-Оналик» асариди Р.Аҳмедов онанинг қайфиятини оддий, аммо ишончли лавҳаларда акс эттирган.

Ушбу марказга бағишлаб «Ўзбекистон Маркаси» акциядорлик жамияти томонидан махсус конверт чиқарилганлиги эътиборга лойиқдир.

«Рангтасвир» ҳамда «Абдуҳолиқ Гиждувонийнинг 900 йиллиги» почта маркалари қўллаб филателистлар қаторида Ўзбекистон ва жаҳон рассомларининг эътиборини жалб этади деган умиддамиз.

Юлдуз УСМОН

Хурматли таҳририят, дунёнинг ишлари қизиқ экан. Баъзан бирор нарса ҳақида фикр юритасану, ундан қандай ҳалоса чиқаришни билмай қоларкансан. Яқинда бир суд жараёнида қатнаша туриб менда шундай ҳолат рўй берди. Билмадим, суд ҳукмидан кўнглим тўлмадимми, ёки бошқа бирор сабабми, негадир юрсам ҳам, турсам ҳам ҳаёлимдан шу воқеа нари кетмайдми. Айниқса беш ёшли қизалоқнинг «Адажон»-лаб чиркираши, назоратчилар қуршовидаги отанинг жондан азиз жигарбандига маъюсина жовдираб термулиши анча вақтгача кўз ўнгимда турди. Гап шундаки, ён қўшнимиз Ҳосил Норматов бир воқеа сабаб бўлиб қамалиб қолди. Уни суд қилишди. Қилмишига яраша жазо беришди. Лекин эндигина 30 ёшни қоралаган бу йигит назаримда бегуноҳ, беозор, безаволдек бўлиб туюлаверди. Чиндан ҳам ўйлаб кўрилса у содир этган жиноят ўзгалар томонидан келтириб чиқарилмаганда бу фожеа мутлақо рўй бермаган бўлур эди.

Бизга мактуб йўқми?
ЖИНОЯТ НЕГА СОДИР БЎЛДИ?

Воқеа бундай бўлганди. Улар кўплар қатори севиб-севилиб турмуш қуришди. Келин — савдо ходими, эр — вагон отаси бўлиб ишларди. Йил ўтди оилада Наргизахон исмли қизалоқ туғилди. Ёш бола билан Раънохон иккинчи йил уйда ўтириб қолди. Ҳосилжоннинг топгани кичик оилага етиб қора қозон қайнаб турган эди. Бир куни эр ишдан қайтганида хотин уни хушламайгина қаршилди. Овқатдан сўнг эрига тўнғиллади.

— Жонимга тегди бундай турмуш. Энди болам катта бўлиб қолди. Эртадан мен ҳам тижорат билан шуғулламанам.

— Қанақа тижорат?

— Мавлудахонлар билан чет элга қатнашди. Дугоналарим шу йўл билан мил-мил бўлиб кетишди. Мен эса ҳали ҳам ойим қилган атлас кўйлақда юрибман.

— Мен боқолмаяманми сени?

— Қўлдан берганга қуш тўймайди.

— Болани нима қиласан?

— Унинг ташвишини қилмай кўн қолинг. Наргиза катта бўлиб қолди, мен кетганимда ойимникида туради.

Ҳосилжон рўйхус бермади. Хотин эса айтганидан қолмади. Чиндан ҳам Раънохон теъдда ўзининг чапдастлигини намойён қилди. Туркияга уч марта боришдаёқ рўзғорга барака кирди. Шу баҳона бўлди-ю Раънохоннинг чет элга сафари авж олди. У гоҳида хафталик, баъзан эса оилай йўқ бўлиб кетар, қайтишида турли соғва-саломлар билан қайтарди.

Ҳаммаси шундан кейин. Бир куни тушлик пайтида Ҳосилжон ишдан қайтиб уйда дам олаётган эди. Хотини сафардан қайтган, уй юмушлари билан куймаланар, қизалоқ Наргиза эса ота-онасининг бағрида эканлигидан шод елиб-югурарди. Бирдан эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Ҳовлида Мавлудахоннинг шўх овози эшитилди.

— Хе ўл. Нега бормадинг? Бечорани роса куттирдин-ку, ҳали ҳам «Раънохон»-лаб кўкрагини захта бериб ётибди. Бўл, тез кириб кетдик.

Бу сўзлар уйку аралаш бўлсада, Ҳосилжоннинг кулоғига ўддек қадалди, бадани зирриллаб кетди. Сакраб ўрнидан турди. Ойнадан ҳовлига мўраланди. Раънохон дугонасига «жим» дегандек бармоғини лабига босди.

— Вой, эринг уйдами? — шивирлади у.

— Ухлапти...

Изоҳга ҳожат йўқ. Ҳамма нарса аён эди. Сўнгги кунларда Ҳосилжоннинг кўнглига келиб юрган шубҳа-ғумонлар бежиз эмас экан. Энди

тезроқ бу ишнинг тағига етиши керак.

У тўсатдан ҳаёлига келган фикрдан ёришиб кетди. Аёллар ҳовлида ими-жимиде гап-лашаркан, Ҳосилжон тегзгина кийинди-да, сафар халатини кўтариб ҳовлига чиқди. Раънохон эрини иш кийимида кўриб ҳайрон бўлди.

— Ха, тинчликми, эрхон?

— Қаранг, сал бўлмаса ҳаёлимдан кўтарилай дебди. Шеригимнинг отаси вафот этганди, шунга у бу сафар ҳам ўрнига менинг ишлаб туришимни илтимос қилганди. Поезд жўнашига тўрт соат вақт бор. Шошилмасам бўлмайди.

— Вой, поччакон, мен атайлаб сиз билан отамлашай деб келсаму, нукул мен келганимда сезинган бирор юмушингиз чиқиб қолади-я, — учирма қилди Мавлудахон.

— Хали сафардан келиб сиз билан тузук-қуруқ гаплашганимизча йўқ-ку. Сиз бўлсангиз... Агар жонингизга теккан бўлсам тўғриси юзимга айта қолинг, — нозланди Раънохон.

— Қизиксана, ўртоқжон, ваъда бериб қандай бормайдилар. Узи нукул поччамнинг эслари тўшдан кейин киради, — ҳиринглади Мавлудахон.

Ҳосилжон узр сўради. Бошқа сафар бафўрига ўтиришини, хозирча шошилиб турганини айтиб чиқиб кетди. Унинг устидеги темирйўлчилар кийими бу сафар ярашқисиз, гўё бемор устига ночор ёпиб қўйилган тўндек шалвираб борарди.

— Уфф, юрагим сиқилиб ўдим-а, бунча ичимдагини топ бўлмаса эринг.

— Боягини эшитиб қолди-микан деб ўлиб бўлдим. Хайрият бахтимиз кулиб тезгина даф бўла қолди.

— Шу кетгандан қачон қайтади?

— Андижон ярим кунлик йўл. Бориш-келиш билан индинга арталаб қайтади.

— Бўлмаса, Фозилжонни айтмай шу ерга кела қолсин. Эринг йўғида бир гаплашиб оларинг.

Раънохон қиз Наргиза томон ишора қилди.

— Уни мен олиб кетаман. Бизникида ёта қолади. Эрта-лаб чимилдикдан чиқганимда олиб келарман.

... Чироқ ярим тунгача ўнмади. Улар ахтирослар оғушида эдилар. Беором эрзада бўлган қуш сингари кўчада тинмай у ёқдан бу ёққа бориб келар, совуқда дийдираб ўз уйи чирогининг қачон ўчишини мунгайиб кузатиб турарди. У хотинини — шунча йиллар ишониб келган — турмуш ўртосини флорос тўшакда қўлга туширмоқчи, эрининг олдига бир боғ похол солгани учун уни му-

Бобомларнинг айтишлари-ча, илгари ҳовлимизнинг этагидан катта ариқ ўтган экан. Ариқдаги сув шу қадар тоза ва тиниқ бўлган эканки, оналари ёпган иссиқ тандир ноини болажонлар бир бошидан оқизиб, югуриб бориб иккинчи бир бошидан тутиб ейишар экан. Ҳозир эса ариқлардаги ахлат уюмларини кўриб одамнинг кўнгли беҳузур бўлади. Бунга ким сабабчи? Албатта ўзимиз. Маълумки, атроф-муҳит ифлосланишига инсоннинг онгли фаолияти сабабчи бўлади. Аввало ер қобилидаги барча моддалар геохимик циклни ташкил этишини таъкиллаш жоиз. Шу боисми табиатда ҳамма нарса айланиб юради, бир нарса йўқ бўлиб кетмайди. Шуларнинг бир қисми ахлатга айланади. Шундай экан барча-

миз бир ёқдан бош чиқариб, қилаётган ишларимизнинг оқибатини ўйлаб иш тутсақ та-қармасак бунинг оқибати яхши бўлмайди. Тан олайлик, ҳозирги кунда биз мана шундай сал-

лиш учун эса фуқаролар ўртасида қолаверса ёш авлодга экологик маданият тушунчаларини сингирмоғимиз даркор.

Фикримизча, табиатга бўлган ахлоқий-маданий муносабатларни шакллантириш учун фандан, тарғибот ва таъбиқотнинг барча усулларидан, керак бўлса ҳуқуқий органлар кучидан фойдаланиш зарур. Барча касб эгалари табиатни асраш йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилса, бирлаша экологик жарликка кулашнинг олдини олиш мумкин.

Табиатни муҳофаза қилиш тинчликни ҳимоя қилиш билан баробардир. Шундай қилсакки биз она табиат, қолаверса ёш авлод олдидаги бурчимизни бажарган бўламиз.

Хуррида ТУРСУНОВА


Махсий фикр
ҲАММАСИ
ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Маълумки, кейинги ўн йил ичида бутун дунёда экология танглиги юз бермоқда. Экологиянинг кўнгилсиз оқибатлари, фожеалари шу даражада сезиларлики, бу бутун жаҳон халқларини ташвишга солиб келаяпти десак хато бўлмайди. Ха, албатта авваллари зилсиз мусофиф бўлиб ариқлар бугунги кунда аяқчи ахволда. ...иб бораёт. ...Орол денгизи, ичаётган сувимиз, нафас олаётган ҳавомизнинг ифлосланиши кимни ташвишга солмайди дейсиз?

биатни экологик тангликдан асраб қоламиз. Биз табиатга таъсир этадиган воситаларни қанчалик тараққий эттирсак ва уларни ақл-идроқ билан бош-

бий аҳволнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Демак, табиатда бўладиган барча ўзгаришлар ақл-идроқ билан бошқарилиши лозим. Бундай даражага кўтари-

Хатлар —
ҳаёт ойнаси



Таҳририятимизга сиз азизлардан келаятган мактубларни кўздан кечирар эканмиз, унда инсон бўшдан кечирган турли воқеалар, жамиятимизда юз бераётган ижтимоий, маданий, сиёсий жараёнларга муносабат, тақлиф, танқид ва мулоҳазалар акс этганлигини Раънохон бўламиз. Дил номаларини ўқиганимизда яна шу нарсага амин бўлдики, Истиқлол шарофати туйғай инсон табиатига хос лоқайдлик, бепарволик каби иллатлар барҳам топаётгандек. Нега деганда, мактубларда ҳар бир соҳадаги хайли ўзгаришларга газетхон ижобий муносабат билдирган ҳолда, камчилик ва нуқсонларни

аёвсиз танқид қилади, муаммони бар-тафат этиш ҳақида ўз фикрларини очиб-ойдин билдиради.

Хулоса қиладиган бўлсак, «Тошкент оқшоми» газетасининг ижодий ходимлари сизларнинг мактубларингиз ва кўнгирикларингизни интиқлик билан кутади.



«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

ОРАСТАЛИККА ДОҒ ЯРАШМАЙДИ

Халқимизда орасталикка доғ ярашмайди, деган ҳикматли ибора бор. Шу боисми, доғлару хиббонларни мутасадди ташкилотлар томонидан уюмо озода тутини ҳаракат қилнади, тез-тез ҳашарлар доғи уштириб келинади. Аммо, баъзида салгина бепарволик ёхуд лоқайдлик юз берса кундан-кунга гўзаллашиб бораётган шаҳримиз хуснига доғ тушгадек туюлади. Гатезамизда берилган танқидий мақолага Тошкент шаҳар Ободоналаштириш бош бошқармасининг бошқарувчиси Саид Иброҳимов номидан қуйидаги жавобни олдик.

«Тошкент оқшоми» газетасининг 3 октябрь сониде эълон қилинган «Зийрак бобо шаҳар кезади» ружни остидаги «Меҳмон хижолат бўлди» мақоласи Тошкент шаҳар Ободоналаштириш бош бошқармаси йиғилишида муҳокама этилди. Ҳақиқатан ҳам мақолада келтирилган барча далиллар асосли. Шу босндан ҳам йиғилиш қарорига кўра бундан буён озо-

Газетангиз тақлиф қилади

СОҒЛОМ РАҚОБАТ — РИВОЖЛАНИШГА ЗАМИН

Шаҳримиз кўркамлигига кўз тегмасин, кўрган кўзлар яйрайди, қалбингни севинч, фахрланиш туйғуси қамрайди. Кенг, раvon кўчаларга ярашган, бир-биридан шином йўловчи ташиш машиналарига ўтириб шаҳарни томоша қилиш кишига ўзгача завқ беришини ўйлаб яп-янгиде «Мерседес-Бенц», «Отайўл» йўловчи ташиш машиналарига талипинасан...

Мустақиллигимиз шарофатининг ёрқин белгиси сифатида шаҳримизга ярашган бундай транспорт воситаларидан ҳар кун юз минглаб ҳамшаҳарларимиз баҳраманд бўлмоқда. Шу билан бирга рақобатга асосланган, бозор иқтисодиёти — кўз ўнгимизда йўловчи ташиш транспортчиларини ҳам ҳар бир йўловчи учун, уларга бозор иқтисодиёти майдонга чиқмоқда. Айниқса, қисқа йўналишларда қатнаётган кичик ҳажмдаги «Дамас», «Раф» русумли машиналарнинг ҳаракати тобора самарали бўлмоқда. Бу борада «Тошшаҳарйўловчигитранс» Давлат уюшмаси марраани бир оз бўлиб кўйганга ўхшайди.

Қолаверса, изланувчанлик, «тезда «ослашиш», автобусларнинг оғина йўналишини ўзгариштириб ёч бўлмаса, бир-икки бекатга узайтириб, қўшимча йўловчиларга эга бўлишлари уларга удаубу-

ронлик етишмаяпти, назарифатининг ёрқин белгиси сифатида шаҳримизга ярашган бундай транспорт воситаларидан ҳар кун юз минглаб ҳамшаҳарларимиз баҳраманд бўлмоқда. Шу билан бирга рақобатга асосланган, бозор иқтисодиёти — кўз ўнгимизда йўловчи ташиш транспортчиларини ҳам ҳар бир йўловчи учун, уларга бозор иқтисодиёти майдонга чиқмоқда. Айниқса, қисқа йўналишларда қатнаётган кичик ҳажмдаги «Дамас», «Раф» русумли машиналарнинг ҳаракати тобора самарали бўлмоқда. Бу борада «Тошшаҳарйўловчигитранс» Давлат уюшмаси марраани бир оз бўлиб кўйганга ўхшайди.

Қолаверса, изланувчанлик, «тезда «ослашиш», автобусларнинг оғина йўналишини ўзгариштириб ёч бўлмаса, бир-икки бекатга узайтириб, қўшимча йўловчиларга эга бўлишлари уларга удаубу-

Ҳайжонларни қайғилагадга

ТРАФФИК БАЛО ЭКАН!

Кадрли «Оқшом»хон, ушбу мактубни таҳририятга йўллаш мен учун қийин кечди. Қийинлиги шундаки, ҳикоятимиз қаҳрамони аввалгига ўз арази аҳволини кўпчилик билиб қолишдан истиҳола сездди. Қисинди. Лекин кўпгина инсонларга ибрат бўлсин деб тақлифимизга розилик билдирди.

Аввал, «траффик» сўзига икки оғиз изоҳ: у ноқонуний равишда аёлларни хорижий давлатларга сотиш ва ундан мўмай даромад топиш деган маънони англатади. Ўзини инсон санаган кишига бундан ортиқ жабру ситам борми дунёда?

Хуллас, Басира (биз уни шундай аташни лозим кўрдик) 1976 йилда Юнусобод тумани 6-дахасида, оддий оилаларнинг бирида дунёга келди. Онаси дунёдан эрта кўз юмиб, ҳаёт қийинчиликларини кўриб катта бўлди. Ниҳоят, ичкиликдан бош кўтармайдиган отаси уни воёга етказгач Сардор исмли йигитга турмушга узатди. Тақдирнинг ишлари қизиқ. Куёв ҳам — наркотик модда истеъмол қиладиган бўлиб чиқди. Улар ажралишди. Ҳаётда ўзини бахтсиз ҳисоблаган, аёллик гурури топталган Басира — энди ўз танасини сотиш билан шуғуллана бошлади. Уни кўпроқ кечқурунлари метронинг гавжум бекатларида, гоҳ Чилонзордаги Қатортол мавзеларида миждозлари билан учратиш мумкин бўларди.

Шундай кунларнинг бирида Басира ва шунга ўхшаш аёлларга миждоз топиб берадиган қўшмачи — Салима сатанг: «Қозогистонда мўмайгина пул ишлаб қайтмайсизларми?» деб қолди. Басира рози бўлди. Уни Чимкентга олиб кетишди.

Аввалгига уни олиб кетишаётган кишилар: «У ёқда хоҳлаган юмушинг билан шуғулланишиг мумкин, имкон бе-

сизлик оқибатида эйтибор берил-ёд олиб, уларнинг руҳини шод этиш, муқаддас масканлар, тарихий шаҳарларнинг мақбараларини зиёрат қилиш халқимизга хос фазиладир. Шу хайли анъаналарга амал қилиб, яқинда шаҳримиздаги маълум машҳур Зарқайнар кўчасидаги шу табаррук маҳалларда яшаб ўтган авлод-аждоғларимизни хотирлаш, халқ тилида, Ҳастимом, яъни ҳазрати Имом дея чўқур хурмат билан асрлар оша эъзозланиб келинаётган тўққизинчи асрда яшаган ислом қонуничилиги билымдон, аллоҳма замон, азиз авлиё Абу-бақр Муҳаммад Каф-фол (кулфосз уста) Шоший мақбрасини зиёрат қилишга бордим.

Маъжур маҳалларда истиқомат қилувчилар ҳазрати Имом бобоқалони-мизни Пошшо омад бува деб ҳам ардиқлаб тилга оладилар. Илм билан шуғулланишдан ташқари кулфослик билан тирикчилик ўтказган бу мўтабар зот юрт ташвиш қувони билан яшаб, замона тождорлари жанжаллашиб, урушга овланганларида, доно маслаҳатлари билан ҳукмдорларни ўзаро яраштириб, қиргин-барот жангларининг олдини хира қиларди. Шунинг учун ҳам бу азиз авлиёни Пошшо омад бува, яъни подшолаб омад келтирувчи бува деб умулгашган.

Қиссадан ҳўсса қилганда кўна маданиятимиз, тарихимизнинг нодир дурдоналаридан ҳисобланган, жаҳон аҳлининг эйтиборини тўшмаган, хорижий сайёҳлар билан ҳамшиша гавжум бу мубарак масканга лоқайдлик, масульият-

қилиб бепарволик қилса? Айрим маҳалладорларимиз халқимизга хос бўлганга бу одатга қўнқиб, менга нима дегандек қабилида бефарқ бўлиб қолди-ларми дея ўйга толасан киши. Зеро, дини исломда поклик улуғланиши, намоз ўқилмаган ҳолатдаги бекат келтирувчи барчага қандай равшан-қў!

Кишининг дилини хира қиларди бу ҳолатнинг асл сабабини билмай турганимда собиқ кинотеатр ўрнида барпо этилаётган Усмон қурьони ва нодир китоблар кутубхонаси музейи қурилишида қоровул бўлиб ишлайётган отахон ўзларини Шогулом Акбаров деб таништириб кўнгилларидаги фикрларини айтдилар. «Укам, озодагарчиликка ҳеч ким аҳамият бермаяпти. Ҳар

қилиб бепарволик қилса? Айрим маҳалладорларимиз халқимизга хос бўлганга бу одатга қўнқиб, менга нима дегандек қабилида бефарқ бўлиб қолди-ларми дея ўйга толасан киши. Зеро, дини исломда поклик улуғланиши, намоз ўқилмаган ҳолатдаги бекат келтирувчи барчага қандай равшан-қў!

Кани энди мута-садди ташкилотлар аралашиб, маҳалла қўмитаси маҳалла аҳли билан биргаллашган бў жойларни тозалаб, озода саклашга рияз эт-салар гоёт савобли иш бўларди».

Дарҳақиқат, отахоннинг қунониб айтган фикрларида жон бор. Маҳалламизни, айниқса шаҳримизнинг диққатга сазовор бўлган, фаҳримизга айланган, хорижий меҳмонларнинг қадимий узолимайдиган қадимий, қўт-луғ масканларини, зиёратгоҳларини ободонлаштириш, ораста саклаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Халқимиз ибораси билан айтганда савобли, хайри иш бўлиб, бундай эзгу амалларни ҳамма, ҳар ким ва ҳар кун бажариши ҳам фарз, ҳам қарзидр.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

... танқид қилади

ПОКЛИК БОР ЖОЙДА ҚУТ-БАРАКА БЎЛАДИ

Кейинги йилларда шаҳримизни ободонлаштиришга, хуснига-хўсин, кўрқига-кўрк қўшишга катта аҳамият берилмоқда. Бу албатта гоёт қувонарлидир. 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилинганлиги нур устига аъло нур бўлиб, шарқона гўзал миллий қадриятларимиз боқий бўлишига ҳизмат қилмоқда. Халқимизда озодагарчиликка катта эътибор берилиб, поклик бор жойда фойза, қут-барака, саранжом-сарийшта хондонга фарийшта қиради деб бежиз айтилмайди.

Қани энди мута-садди ташкилотлар аралашиб, маҳалла қўмитаси маҳалла аҳли билан биргаллашган бў жойларни тозалаб, озода саклашга рияз эт-салар гоёт савобли иш бўларди».

Дарҳақиқат, отахоннинг қунониб айтган фикрларида жон бор. Маҳалламизни, айниқса шаҳримизнинг диққатга сазовор бўлган, фаҳримизга айланган, хорижий меҳмонларнинг қадимий узолимайдиган қадимий, қўт-луғ масканларини, зиёратгоҳларини ободонлаштириш, ораста саклаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Халқимиз ибораси билан айтганда савобли, хайри иш бўлиб, бундай эзгу амалларни ҳамма, ҳар ким ва ҳар кун бажариши ҳам фарз, ҳам қарзидр.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОМО БЎЛУҒ...

• Виджон яхшиликни ёмонликдан ажратган, бизни ёмонликдан қайтарган ва яхшиликка йўналтирган жуда кучли бир қувватдир.

• Инсонлар ақл билан мумтоздирлар. Ақл билан яхшилик ва ёмонликни ид-рок эта оламиз. Шунинг учун эҳтиёжимизни хайрга сарф этиш — қувват ва қудратимиз кўлидадир.

• Дилдаги адоват темир-даги зангга ўхшайди, занг темирни егани каби адоват ҳақни кемиради.

• Инсоннинг биринчи фазилати бошқаларнинг ҳуқуқига, шараф, номус ва орзуларига ҳурмат ва риоят этишидир. Узимизга риоят қилинишни истасак, бошқаларга ҳам бу хилда ҳурмат қилишимиз лозимдир.

• Саодат — ҳаётимизнинг идора қилган иродага бог-ликдир. Бахтиёр бўлишимиз учун иродани тарбия этиш-ни билишимиз керак.

ХИКОЯТ. Айтишларича, мўътабар бир одамнинг мажлисида бир олим, фозил ки-шини кўп таъриф ва тавсиф қилдилар. Мўътабар одам у олимни кўриб, суҳбатидан фойдаланишни орзу қилиб, уни шу мажлисга даъват қилиш учун ўз қариндошини юборди. Олим мажлисга кел-гач, салом бериб ҳамма билан кўришди. Кейин мўътабар одамга таъзим қилиб:

— Мажлисингизга даъват қилганингиз учун ташаккур этаман, минг йил роҳат ва фароғатда умр кечиринг, — деди.

Мўътабар одам олимнинг сўзига таажуб қилиб айтди: — Мажлисимизда ҳали ўтирмай туриб, мумкин бўлмаган сўзни озгингиздан чиқардингиз, бир одамнинг минг йил умр кўришига ақл бовар қиладими. Бундай сўзни айтиш сиздек олим ва фозил кишига муносибми-кан?

— Инсоннинг тириклиги фақат жисмининг боқийлиги билангина эмас. Одамнинг минг йил умр кўрмаслигини ҳамма билади. Лекин ўлган-дан кейин қолган яхши ном яна бўлак умрдир. Сизнинг олижаноб, марҳаматли, шаф-қатли одам эканлигингизни биланган. Қилган яхши ишларингизни халқ унутмай, но-мингизни доимо ҳурмат билан ёд этиб туради. Вафотингиздан кейин ҳам қилган ях-шилигингизни халқ унутмай-ди, номингизни кўнглида абадий сақлайди, деган маъ-нода «Минг йил умр кўринг», дедим, — деб жавоб берди олим.

БАЙТ:
Кишиким бўлди яхши
номи машхур,
Вафотидан кейин
они «зинда» дерлар.
Ёмон номга эга
бўлган одамни,
Агар чанди тирикдир
«мурда» дерлар.



— Болаларнинг заиф эшитишига ёки умуман эшитмасликларига асосий сабаб нима? — сураймиз мактаб-интернат раҳбари Феруза Йўлдошевдан.

— Бунинг сабаблари ҳар хил, — дея гап бошлайди Феруза опа. — Эҳтимол аёлнинг соғлиги яхши бўлмаган бўли-ши мумкин ёки ҳомилалорлик пайтида оғир касалликларга чалиниши, бола ту-ғилганидан сўнг қаттиқ шамоллаши туфайли шундай фарзандлар туғи-лиши мумкин. Гоҳида бу ирсиятга бориб тақалади. Бу ерда меҳнат қилаёт-ган ўқитувчи-ю, тарбия-чилар ҳар бир болага худ-ди ўз яқинидек ёки она-сидек бўлиб қолган. Тар-бияланувчиларнинг ўз олами бор. Уларни ҳамма ҳам тушунавер-майди. Мактабни тугатиб кетаётганларидаги аҳвол-ни сўз билан таърифлаб беролмайман. Чунки у ўрганган, меҳр қўйган бир оиласидан ажралаёт-ганга ўхшайди.

Ҳа, Феруза опа айтганларича табиат томонидан озгина нуқсон билан дунё-га келган болажонларнинг ўз дунёлари бор. Уни фақатгина шу ерда меҳнат қилиб, қалби кемтик мурғакларга таъ-лим-тарбия бераётган фидойи устозлар тушунишди. Ўқитувчилардан Ф.Алим-хўжаева, М.Холмуҳаммедова, Ҳ.Саидо-ва, В.Абдуллаева, Н.Муротоваларнинг дарсликлари нашриётда чоп этилган. Бу дарсликлар Республикаимиздаги бошқа мактаб-интернатларга ҳам ўқув қўлан-маси бўлиб келмоқда. Интернетда «Мерси проспект» хайрия лойиҳаси бўйича чет эл волонтерлари билан ҳам-корлик қилинади. Улар болаларни тек-ширувдан ўтказиб, эшитиш аппаратла-ри (мосламалари) билан таъминлайди-лар. Болалар шифокори Дилноза Нур-матова ҳамда ҳамшира Малика Расуло-валар доим болажонларнинг соғлиғи

ҳақида гамхўрлик қилиб келишади. Дастлаб ҳар бир бола тиббий кўриқдан ўтказилиб, сўнгра мактабга чиқарила-ди. Мактаб-интернатда ишлайдиган тиб-биёт ходимлари «Озодалик — соғлиқ га-рови» шioriга амал қиладилар.

Феруза опа билан ушбу даргоҳни ай-ландик. Бу ердаги махсус боғчага таж-рибали мураббий Умида Комилова му-

ланган залда ўқувчилар қийқириб бас-кетбол ўйнашяпти. Улар дардан бўш вақтларида спортнинг фўтбол, волей-бол, шахмат-шашка, стол тенниси тўга-ракларига қатнашишади.

Фаоллар залида эса бир гуруҳ мил-лий либосларимизни кийган қизларнинг рақсга тушаётганининг гувоҳи бўдик. Уларни Вазира ва Шавкат Отахонов-лар рақсга ўргата-ётган экан.

— Ҳар бир бай-рам бизнинг рақ-қоса қизларимизиз ўтмайди, — дейди биз билан суҳбатда Шавкат Отахонов. — Уларга турли хил рақсларни, ифода-ли шеър ўқишни ўргатамиз. Ўқувчи-ларимиз жудаям истеъодли. Улар ҳар йили «Туркист-тон» саройида бўлиб ўтадиган «Меҳржон» хайрия концертида ўзларин-нинг жозибали

Тарбия маскаларига

МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИФ ТУТМАНГ

Илгарилари С.Раҳимов туманида жойлашган 102-мактаб-интернат-да рус ва ўзбек ўқувчилари бирга ўқитиларди. Сўнгра, 1990 йилда ўзбек гуруҳи алоҳида ажралиб 106-сонли мактаб-интернат вужудга келди. Бугунги кунда бу даргоҳда қирқ нафар ўқитувчи, ўттиз тўққиз нафар тарбиячи 350 нафар ўқувчиларга сабоқ бериб, тарбиялайдилар. Ҳар бир синф учун алоҳида кўрғазмали куруллар билан безатилаган синфхоналар, спорт зали, фаоллар зали, тиббиёт хонаси, ошхона, ётоқхона ҳамда кичкинтойлар учун махсус боғча ҳам мавжуд. Мактаб-интернат ўқув-чиларни Республика бўйича қабул қилади.

диралик қиларкан.

— Боғчамизга болаларни асосан беш ёшдан қабул қиламиз, — дейди биз билан суҳбатда у. — Учта гуруҳимизда ўнтадан бола тарбияланади. Болалар билан сурлопедагоглар шугулланишади. Улар учун мактабга тайёрлов, нутқ ўсти-риш учун кўрғазмали куруллар, дастурга асосан ўйинчоқлар ёрдамида машгулот-лар ўтказиш хоналари ҳамда болалар спорт зали мавжуд. Асосий методика-миз кўрғазмали куруллар ҳисобланади.

Боғчани ҳам аста қўздан кечирамиз. Шафқалар устига тарбиячилар ўз қўллари билан ясаган юмшоқ ўйинчоқ-лар, ҳар хил гуллар териб қўйишибди. Ҳовлида болалар майдончаси ҳам бор экан. Иссиқ кунлар болажонлар ҳов-лида яйраб ўйнашади. У ердан чиқиб спорт залига йўл олдик. Замонавий ке-ракли спорт анжомлари билан жиҳоз-

рақслари билан қатнашишади.

Оқушлардек рақсга тушаётган қиз-ларни кўриб кўзимиз қувнади. Бу ерда кўплаб истеъод эгаларини учратиш мумкин экан. Йўлакда катта кўрғазма қилиб илинган турфа суратлар Дилфу-за Обиджонова, Матседа Норқувватова ҳамда Дониёр Эргашевлар томонидан чизилган экан. Хуллас, ушбу масканда кўнгли ярим болажонларнинг илм, таъ-лим-тарбия олишлари учун барча шаро-итлар яратилган экан. Орамизда шун-дай заҳматкаш тарбиячилар бор, дав-латимиз томонидан болажонларнинг камолга етишлари учун барча керакли шарт-шароитлар яратилаётган экан, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари шубҳасиздир.

Хонбиби ҲИММАТ қизи СУРАТЛАРДА: 106-мактаб-интернат ҳаётидан лаҳзалар.

Сақлаш

МУСИҚА АСАРЛАРИ БОЛАЛАРГА

Кейинги йилларда болалар учун талайгина мусиқа асарлари яратилди. Узига хос таро-ват ва жўшқинлик билан ихро этиладиган бу янги тароналардан бир нечтаси концепт дас-туридан жой олди.

Болаларнинг севимли санъаткори, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг профессори Аваз Мансуровнинг «Булбул-ча» деб номланган кўшиғи эса Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳузуридаги «Булбулча» болалар хори репертуридан ўрин олди.

Бастакор Рустам Абдуллаев ўзининг «Давр кўшиғи» таронасини ҳам болалар-га тақдим этди. Бахтли болаликни таран-нум этувчи бу мусиқа ўғил-қизларга ман-зур бўлди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Анжуманлар

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси методика маркази томонидан «Миллий истиқлол гоёси ва демократик кадриятлар» мав-зуида семинар-тренинг ўтказилди.

БАҲС-МУНОЗАРАГА БОЙ ЎТДИ

Ушбу анжуман машгулоти ўқитув-чиларнинг август Кенгашларида иш-лаб чиқилган тавсиялар ҳамда Рес-публика Халқ таълими вазирлигининг буйруғи асосида ўтказилгани-ни таъкидлаш жоиз. Илгор педаго-гик технологияларни, интерфаол усулларини қўллаган ҳолда тренинг машгулотларини ўтказиш бosh мақ-сад қилиб олинган мазкур семинар-да мактаб ўқитувчилари иштирок этди.

Анжуманга йиғилганлар ўқувчи-ларнинг «Одобрнома», «Ватан тўй-уси», «Миллий истиқлол гоёси ва маъ-навият асослари» фанларига бўлган қизиқишларини кучайтириш, тушу-нчаларини кенгайтиришда янги тех-нологиялардан фойдаланиш зарури-гини таъкидлашди. «Хуқук нима?», «Мустақиллик ва маънавият», «Иде-ология ва демократия», «Хуқуқий

маданият» каби мавзуларда баҳс-мунозаралар юритилди.

Жумладан, тадбирда сўзга чиққан шаҳар Халқ таълими бош бошқар-маси методисти Зарифа Исмоилова таълим жараёнида янги ўзгаришлар содир бўлаётганини таъкидлаган ҳолда қуйидагиларга эътибор қарат-ди. — Ўқитиш дастурига янги кири-тилган фанларни ўқувчиларга тўла-қоли етказиб беришда интерфаол ва педагогик технологиялардан фойда-ланиш самаралидир. — Лекин, бар-тараф этилмаган муаммолар, хусу-сан, ўқув қўлланмалари, дарсликлар-нинг айрим мактабларда етишмаёт-ганлиги ачинарли ҳолдир.

Айтиш жоиз, ушбу семинар-тре-нинг аънавий тус олмақда. Январь ойида ҳам шундай анжуман ўтказиш режалаштирилган.

Умида ЮЛЧИБАЕВА

Ақройиботлар

ИККИТА
МИЯЛИ ҚИЗ

София шахрида истиқомат қилувчи 8 яшар Ольга исмли қизалоқ ота-онаси, муаллимлар, шифокорларни ўзининг ноёб қобилияти — бир вақтнинг ўзида иккита китоб ўқи олиши билан ажаблантиряпти. Олимлар қизчага иккита китобни тутқазиб, унинг ўнг кўзи билан бир китобни мутолаа қилаётган бир пайтда чап кўзи билан иккинчи китобни ўқий бошлаганини кузатишган. Кейин эса ҳар иккала китобнинг мазмунини сўраганлар. Қизча ўша китоблар бўйича саволларга тўппа-тўғри жавоб қайтарган.

Маълум бўлишича, бундай ходиса илк бора қайд этилаётган экан. Рухшунос олимларнинг олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатдики, аксарият қизларнинг мия ярим шари томонида икки хил вазифани бажара олар экан. Ольга эса миянинг ҳар иккала ярим шари бири-биридан мустақил равишда яхши ривожланган. Бошқача айтганда, қизчанинг иккита мияси бор.

ЭНГ АРЗОН

Фан-техника юксак тараққий этган Японияда истиқомат қилувчи Кисану Сато исмли олим антиқа кашфиёт қилганини фахр билан айтмоқда. Унга муурожаат этган мижозларнинг миясига компьютер орқали таъсир кўрсатиб, 250 йил аввалги воқеаларни бир лаҳзада эслай олувчи буюк математиклару тарихчиларга айлантириб қўл олади.

Бу операциянинг нархи эса 25000 доллардан 150000 долларгача ҳолос.

ТАНИШИНГ,
ФЛАББЕР!

Австралиядаги маҳсус сув ҳавзаларида яшайдиган Флаббер лабэли дельфиннинг вазни 160 килограммдан ортиқ бўлиб қикди. Ҳа, нима бўлибди дерсиз: узунлиги икки ярим метрдан ошадиган бу «балиқча» дельфинларнинг энг тўласи экан. Уни кўрганлар кўпинча денгиз сигирига ўхшатишадди. Нима учун Флаббернинг вазни бошқа дельфинлардан ортиқ? Ҳар хил қолди-қутти овқат, мева-сабзавот деганидек, «балиқча»нинг кундалик таомномаси фақатгина ана шулардан иборат.



Халқ хунармандчилиги анъаналари барҳаёт.

Сергели туманида истиқомат қилувчи К.Лёва исмли 24 ёшли йигит ўзи ҳеч қачонда ишламаса-да, аммо бошқалардан кўра яхшироқ яшашга интилар эди. Кўчада юришни ҳам у жуда қўйиллатар, кийим-бошларни энг сўнгги модада бўларди. Лёва нонуштани имкони борича бирор кафеда қилса, албатта кечки овқат яқин ёр-дўстлари даврасида рестороанларда ўтарди. Тўғри, ҳозирда қайси-дир тижорат тури билан шугулланиб, агарда иложини топиб ҳаракат қилса, даромадлари ёмон бўлмаслиги мумкин. Лёва тўғрисида ҳам унинг таниш-билишлари ва кўни-кўшнилари ўртасида ҳар хил гап-сўзлар тобора кўпайиб борарди. Бундан Лёванинг ўзи мағрурланиб юрарди.

Ҳўш, у жараҳ-жараҳ пулларни аслида қайқдан топаётган эди? Мазкур савол эса айни дамда қанчалик муҳим эканлигини уларнинг кўпчилиги фаҳмласалар-да, аммо йигитнинг қариндошлари бунга негадир мутолқо бефарқлик билан қарардилар. Балки шунинг учун ҳам Лёванинг мағрур боши бугунги кунда эгилиб қолгандир.

Эрта тонг уйқудан ўйғониб, телефон гўшагини кўтарган Лёва шошганича «дўст»и Владикнинг уйига кўнғирок қила бошлади.

— Влад, ўзингмисан?.. Биласан-а бугун қанақа кун... Яшавор, ошна! Сандан яхши шерик чиқишига ҳеч гумоним йўқ. Кел, гапни кўп чўзмасдан ишга киришайлик. Сен тезроқ чой-пойингни ичиб олда, анави ўртоғинг бор-у. Юркамиди исми?.. Ҳа, ўшани топ. Кейин, биласанми, яна бир киши керак бўлади. Хуллас, бирорта ишонарли таниш-билишингдан биттасини кўндир-да, учиб ёнимга келларинг, уқдингми? У шундай деди-да, яна қандайдир рақамларни тира бошлади. Навбатдаги кўнғирокча аёл товуши жавоб қайтарди: Лёва унга ҳам жиддий овозда сўз бошлади.

Орадан бир-бир ярим соатча вақт ўтгач, Лёванинг ҳузурда чақирилган кишилар ҳозир бўлишди. Владик ўзи билан келган Аҳмад исмли «янги шерик»ни унга таништиригач, йиғилганлар кенгаши бошлаб юборишди.

— Йигитлар, сизлар билан бугун бир муҳим ишга қўл урамиз. Светанинг айтишича, ҳозир сизлар борадиган манзилда нақд ўн беш минг «кўки» бизларни интиқлик билан кўтиб турибди. Лёва шерикларига нима қилиш керак эканлигини обдон тушунтирди ва манзил ёзилган қозони кўлларига тутқазди. Ўзи эса шу ерда бўлишни, улар қайтиб келгунларига қадар Света билан бирга кўтиб ўтиришларини айтди.

Владик қўлидаги пакетдан икки дона ясама ниқобни олиб, биттасини Юркага узатди ва арқон, пичоқ ва сквоч каби матоҳларини ҳам бирма-бир кўздан кечириб қўйди. Тўққиз қаватли уйнинг бешинчи қаватига кўтарила туриб, лифт ичида ўзаро сўхбатлашиб боришадиган учовлоннинг шу дамда юракларининг уриши кучаяётгандек туюларди. Мана қаршиларида Лёва қайта-қайта тақорлаган ўша темир эшикли хонадон.

Эшик кўнғирогини босаётган Аҳмаднинг бармоқлари титради. У ичида, «шу

иш»ни балки қилмаганим маъқулмикан. Ҳаляим кеч эмас, дея ўйлар эди. Бир пайт хонадон ичкаридан «Ким у?»... деган савол эшитилди.

— Бу мен, солиқ инспекциясиданман. Тўлов квитанцияларини олиб келган эдим. Илтмос, олиб қолсангиз, — дея жавоб

риш эса, бечора аёл учун қийин эди...

Аэропортта бир юмуш билан кетган унинг турмуш ўртоғи телефонга ҳеч қим жавоб бермагач, кўнғлида пайдо бўлган ҳар хил хаёллар оғушида уни томон шоярди. Машинасини ҳовлига қўйиб, йўлак томон бораркан, атрофда турган одамларни кўриб хайрон бўлди. Шу пайт кийимлари қизил қонга бўялган бир аёлнинг зинадан секин тушиб келаяётганига кўзи тушди. Аввалига унга унчалик эътибор қилмади шекилли, тепа томонга кўтарила бошлади. Шу дамда унинг юрагига гулгула тушиб, халиги аёлнинг ёнига отилди. Не кўз билан кўрсинки, у хотини эди. Боскинчилар ҳуружидан адоий тамом бўлган ва яққалғиз фарзандларини эртанги каломлини ўйлаб, эри билан йиғиб юрган пулларидан ажралган бечора аёл бирдан хўнграб йиғлаб юборди...

Ўша кунги «ов»дан катта ўлка билан қайтган боскинчилар учун бугун байрам эди. 15 минг АҚШ долларни бутунлигича раҳнамоннинг, яъни Лёванинг қўлига тутқазилди. У пулларни қайта санаб кўргач, ўзига ва уч шеригига икки ярим минг доллардан тақсимлади. Беш минг долларни ҳам ўзининг улуши қилиб олди. Лёва уларнинг ҳар биридан яна 400 доллардан йиғиб олиб, Светага бериш кераклигини ўқтирди. Хуллас, Владик, Юрка ва Аҳмадлар «ов»ни ресторонда овмига отландилар.

Кўнларнинг биринида Лёва ҳамтовокларини яна қошига чорлади. Энди уларнинг ихтиёрларидан боскинчиликда фойдаланиш учун арқон, пичоқ, ниқоб ва сквочдан ташқари бир дона қирқма милтик ҳам бор эди. Аммо бугунги йиғилишда гуруҳ аъзолари айнан ушбу қуролни сотиш масаласини кўрардилар. Йиғилтар ўзаро кенгаши олишгач, қирқма милтикни сотиб, унинг ўрнига ихчамгина бирорта тўппонча сотиб олиш зарур деб топишди.

Белгиланган жой ва келишилган вақтда йиғилтар сотиладиган ушбу матоҳни олиб, мижозларини интиқлик билан кўтиб турардилар. Аммо улар учун мутолқо қўтилмаган ҳодиса юз берди. Боскинчилар ички ишлар ходимлари томонидан қўнғига хилоф равишда қўрл-яроғ сотиш пайтида ашёвий далиллар, яъни битта қирқма милтик ҳамда олти дона патронлари билан қўлга олинди.

Дастлабки тергов жараёнларидан маълум бўлдики, мазкур жиноий тўда аъзоларининг Сергели тумани, 6-даҳада жойлашган, 21-ўйда боскинчилик жиноятини содир этганликлари ҳам аниқланди. Бундан ташқари, Мирзо Улугбек туманида вақтинча истиқомат қилувчи Афғонистон давлати фўжаросининг хонадонида ҳамда Юнусобод тумани, 6-мавзе, 37-ўйда жойлашган хонадонлардан биринида ҳам худди шу хилдаги жиноятни содир этганликлари фўш этилди. Ҳозирда боскинчилик жинояти билан шугулланиб, фўжароларнинг мол-мулкларини талон-торж қилган мазкур жиноий тўданинг фаолиятига чек қўйилган бўлиб, тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Самаратдин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот
маркази инспектори.

«ШАРАФЛИ ЙЎЛ»

«Ўзбекино» давлат акционерлик компаниясининг ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган «Шарафли йўл» деб номланган янги фильм яратилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Марказий Осиёдаги энг йирик ва нуфузли илмий марказ ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш керакки, халқимизнинг ўзак интеллектуал салоҳиятини ўқиди муҳасам этган Ўзбекистон Фанлар академияси бой қадимий анъаналар, кўплаб илмий кашфиётлар ва маънавий маданиятнинг табиий давомчидир. Бунинг халқаро эътирофга сазовор бўлган Маъмур академияси, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, Фарғона водийсидаги илмий марказлар мисолида қўриш мумкин.

Янги фильм мустақиллик йилларида Фанлар академияси фалояти муҳим аҳамият касб этгани, олимларимиз меҳнати мам-

лакат раҳбарияти томонидан доимо қўллаб-қувватланаётгани ҳақида хикоя қилади. Натижада республикамизнинг илмий-техника салоҳияти сақлаб қолиниб, шу билан бирга уни жаҳон андозалари даражасида ҳар томонлама ривожлантириш учун имкониятлар кенгайди.

Ўзбекистон халқ шоири Усмонов Азим сценарийси асосида режиссёрлар Шўҳрат Аббосов ва Шўҳрат Қўрбонбоев, оператор Абдулла Тўлаганов суратга олган «Шарафли йўл» фильми Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида намойиш этилди.

Н. Усмонова,
ЎЗА муҳбири

Кўнғирок шунинг қийини

ИЛТИМОС ЭШИКНИ
ОЧИНГ, СОЛИҚ
ИНСПЕКЦИЯСИДАНМИЗ

Сергели тумани 6-даҳасида жойлашган 21-ўйда боскинчилик жинояти содир этилди. Бунинг натижасида ушбу хонадон соҳибни жиноятчилар томонидан оғир таҳқирланиб, катта миқдордаги мол-мулкдан ажралиб қолди. Келинг, мазкур жиноий ҳаракатнинг тафсилотлари ва унинг асосий «қаҳрамонлари» тўғрисида батафсилроқ сўз юритайлик.

қайтарди Аҳмад дадиллик билан. Хонадон соҳибаси бўлса, эшикни очмаслигини, бу каби ишлар билан асосан эри шугулланишини билдирди. Шундан сўнг Аҳмад лифт ёнида беркинби турган шерикларига қараб, «Мана ўзларинг эшитдиларинг, режамиз барбод бўладиган бўлди. Юринглар ортимизга қайтамиз», деди-да, зинапоғ орқали паства туша бошлади. Шу пайт кўтилмаганда, халиги аёлнинг эшикни секин очаятганлиги эшитилиб қолди. Бунинг ангалар Аҳмад ва унинг шериклари ҳам тайёргарлик кўра бошладилар.

«Солиқданман денг...», дея эндигина савол оҳангиде Аҳмад томонга қараган ўй эгаси ичкарига ўқдек отилган, юзларига ниқоб кийиб олган йиғилталарга қаршилик ҳам кўрсатолмай қолди. Аёлнинг қўллари арқон билан боғлаётган Владик хонадонга энг охири кирган Аҳмадга қарата «тезроқ эшикни ёл», дея бақирди. Айни чоғда Юрка атрофини остин-устин қилиб ташлар, шошганича пулларни қидирар эди. Владик бўлса, қўл-оёғи боғланган, қўрқув ва ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўйиб тинмай йиғлаётган бечора ўй бекасидан долларларини қаёққа беркитганини сўради. Саволига жавоб олмагач эса, уни аёвсиз дўппослай бошлади. Орадан 10-15 дақиқача вақт ўтди. Хонадондаги ҳамма буюмлар сочиб ташланди. Учовлон қўллари илинган нимамики арзигулик нарса топсалар, чўнтақларига урардилар. Бирини тилла тақинчоқларни қўйнига тикса, иккинчиси, жавон устида турган 70 минг сўм пулларни чўнтагига урди. Яна бири «Моторолла» русумли уяли телефонни олди, яна бири «Олимпик» русумли фотоаппаратни қўлга киритди. Аммо улар қидираётган асосий нарсасдан ханузгача дарак йўқ эди.

Бир пайт Владикнинг «топдим, топдим», деган мағрур овози янграб қолди. Шундан сўнггина ниятларига этган боскинчилар бирин-кетин ташқарига чиқиб кетишди.

Хонадон соҳибаси бўлса шу алфозда ётарди. Бир маҳал телефон тинмасдан жиринглаб бошлади. Унинг гўшагини кўта-

Спорт

АБДУЛЛА — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Эронда ўзбек кураши бўйича ташкил этилган Осий чемпионати нихосига етди. Техроннинг «Афросийё» спорт мажмуасида 19 та давлатдан ташриф буюрган полвонлар ўртасидаги мурасиз, қизиқарли беллашувлар мутахассислару ишқибозларда илиқ таассурот қолдирди.

Ушбу мусобақаларда ғолиблик учун кураш олиб борган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига омад кулиб боқди. Бутунжаҳон талабалар университидаси ғолиби Абдулла Тангриев бу сафар ҳам бор маҳоратини намойиш этиб ўз вазн тоифасида ҳозирча энг кучли полвон эканлигини исботлади. Ва қўтға чемпионатининг олтин медалларига сазовор бўлди. Шунингдек, полвонларимиздан 66 килограмм вазнда Аюб Камолов, 90 килограмм вазнда Давлат Чориевларга кумуш, 73 килограмм вазнда Халим Жумаева бронза медаллари nasib этди. Келгуси йили китамизнинг энг кучли полвонлари иштирокида ўтадиган Осий чемпионатиغا Шри-Ланка мамлакати мезбонлик қиладиган бўлди.

ИМТИЁЗЛИ СТИПЕНДИЯ ОЛИШАДИ

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти раҳбарияти ташаббуси билан халқаро мусобақаларда зафар кучган мазкур институт талабалари бўлган спортчиларга эндиликда ректор қарорига кўра 15 минг сўмдан имтиёзли стипендиялар тўланади.


Дарвоқе, мазкур имтиёзли стипендиянинг дастлабки эгалари ҳам маълум бўлди. Спортнинг трамплин турида Афинада ўтадиган ёзги Олимпиадада катнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Екатерина Хилко ҳамда оғир атлетика бўйича Канаданинг Ванкувер шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида Афина «чипта»сига эга бўлган Игорь Халиловга эндиликда имтиёзли стипендия тўланади.

ҚУРЪА ТАШЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Осий футбол конфедерациясида 2004 йилда ўтадиган Осий чемпионлар лигаси баҳсларига қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Унга кўра китамизнинг энг кучли 28 жамоаси етти гуруҳга бўлинган ҳолда мусобақаларда иштирок этишди. Ушбу баҳслар 1 февралдан бошланади. Осий чемпионлар лигасида мамлакатимиз шарафини «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ҳимоя қилади. Қуръа натижаларига кўра пахтакорчилар «А» гуруҳда Эроннинг «Зоб Ахал», Бахрайнинг «Ал Фифа», Катарнинг «Катар SO», «Нефтчи» эса «Д» гуруҳида Эроннинг «Сенахон», Қувайтнинг «Ал Араби», Саудия Арабистонининг «Ал Иттиҳод» жамоаларига қарши тўп суришади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Катталар ўртасида каратэ бўйича Туркияда бўлиб ўтган Халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этган мамлакатимиз каратэчилари Тошкентга қайтиб келишди. Ун бир давлат вакиллари иштирок этган Ўзбекистонлик каратэчилар жамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Ҳамюртларимиз ҳисобида тўққизта медаль бор.

СУРАТЛАРДА: турнир ғолиби Отабек Қосимов; 6-ДАН қора белбоғ соҳиби Нурхон Нафасов шогирдлари даврасида. Мухаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Санъат

ЯНГИ ЙИЛГА МУСИҚИЙ СОВҒА

Куй-қўшиқ кишига чексиз эстетик завқ бериши билан бирга қалбида ажиб ҳис-туйғу уйғотади. Асрлар мобайнида ота-боболаримиз фарзанд тарбиясида мусиқага эътибор билан ёндошиб келганлар.

Юртимизда 1998 йилдан буён фаолият юритаётган «Tarona records» студияси мусиқа шинавандаларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Уни ўзбек эстрада гуруҳларининг сеvimли студияси десак янглишмаймиз. Мазкур студия томонидан ёзилган альбомларнинг сони беҳисоб. Кириб келётган 2004 йил муносабати боис аънаванай «Tarona shoo» Янги йил байрам дастури ўтказилиш режалаштирилган. Унда 10 дан ортққ ўзбек эстрада юлдузлари қатнашадилар. Жумладан, тadbир иштирокчиси, «Tarona records» студияси

ходими Шахноз шундай дейди: «Мен «Tarona records» студияси ташкил топгандан буён шу ерда фаолият юритаман. Бизнинг жамоа аҳиллиги, фаоллиги, меҳнатсеварлиги билан элимизга муносиб хизмат кўрсатади. Хар бир тингловчининг қалбида мусиқа оҳанги орқали ажиб туйғуларни уйғотишга, кўнглига ёқдиган мусиқалар яратишга ҳаракат қиламиз. Бизнинг махсулот ҳам сифатли, ҳам имконият даражасида арзон.

Биз ўтказадиган «Tarona shoo» концерт дастури оммавийлашган. Дастурда ўзбек эстрада гуруҳларининг, яққохон қўшиқчиларининг халқимиз кўнглидан жой олишга улгурган ҳамда янги ёзилган қўшиқлари ижро этилади. Шунингдек, биз ушбу тadbиримизга бағишлаб фаройиб совғалар ҳам тайёрлаганмиз».

Дарҳақиқат, аънава тусига кирган «Tarona shoo» концерт дастури мусиқа оламига янги ўғаришлар олиб келади. Инсоннинг мусиқага бўлган меҳри янги изланишларни кутади. Эслатиш жоиз, «Tarona shoo» концерти Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтади.

Камола РИЗАЕВА



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланб банд солинган автоматотранспорт воситаларининг кимчосиди савдоси ўтказилади.

1. «Ваз-968» автомобили, 1988 йилда чиқарилган, давлат рақами М 49-54 ТН, бошланғич нархи 100 000 сўм, техник носоз;
2. «Москвич-412» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Э 30-61 ТН, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
3. «Ваз-21011» автомобили, 1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 W 17-35, бошланғич нархи 70 000 сўм, техник носоз;
4. «Ваз-2101» автомобили, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 E 64-50, бошланғич нархи 230 000 сўм, техник носоз;
5. «Газ-2410» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AT 453, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
6. «Иж-2715» автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 97-85 ТНБ, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
7. «Ваз-2108» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 В 26-36, бошланғич нархи 450 000 сўм, техник носоз;
8. «Раф-220306-01» автомобили, 1989 йилда

- да ишлаб чиқарилган, давлат рақами 26-68 ТНН, бошланғич нархи 175 000 сўм, техник носоз;
9. «Раф-220306-01» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 26-65 ТНН, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
10. «Раф-220306-01» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 26-64 ТНН, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
11. «Газ-3307» юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 98-25 ТНБ, бошланғич нархи 782 800 сўм;
12. «Газ-53» юк автомобили, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 634, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
13. «Зил-157» юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 593, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;
14. «Маз-5334» автокрани, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АУ 185, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
15. «Зил-130» юк автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 976, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
16. «Зил-555» юк автомобили, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АК 634, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
17. Зил-1308» юк автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Y

- 43-68, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
 18. «Зил 431510» юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Z 87-48, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
 19. «Зил-4314166» юк автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 834, бошланғич нархи 850 000 сўм, техник носоз;
 20. «АТК-881» трактори, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Гз-75-15, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
 21. «БОРЭКС» экскаватор, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 29-90 ТН, бошланғич нархи 650 000 сўм, техник носоз;
 22. «КАТО» автокрани, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 76-56 ТНП, бошланғич нархи 24 000 000 сўм, техник носоз;
- Ким ошди савдоси 2003 йил 25-26-27 декабрда соат 10-00 да ўтказилади.
- Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй 2-қават.
- Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

oytaxt
INFORM FM 107.2
132-26-44 132-26-45

Кўнгли учун муқибса, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
3557 нускада босилади. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета «Узбекистон» Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.